



Куръони Карим ва хадиси шарифларда сайёрамиз Ернинг бир неча хусусияти келтирилган. Биз куйида Ерга хос бўлган етти хусусиятни келтирамиз.

**1. Ер – покловчи.** Поклик Иломнинг асоси саналади. Динимизда хар бир нарса покликка таянади. Бандалар моддий тарафдан пок бўлишларида сувнинг ўрни бекиёс. Аммо тахорат ёки гусл килиш учун сув топилмаганда ёки сув ишлатишга кодир бўлмаганда, банда покиза тупрок билан таяммум килади. Бунда ер жинсидан бўлган пок нарсаларни кўллаш жоиз. Масалан, тупрок, кум, майдо тошлар, охак ва хоказо.

### **2. Ер – намозгоҳ.**

Абу Хурайра (розияллоху анху) Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килади: «Ер мен учун масжид ва покловчи килинди» (Сунан сохиблари ривояти. Хадис санади сахих).

Бошка динларда ибодат килиш учун маълум жойларга бориш талаб этилади. Аммо динимиз Иломда ибодатларни махсус жойда бажариш шарт эмас. Чўл бўладими ёки богу рогми – фарки йўк, агар ер тоза бўлса, у ерда намоз ўқиш мумкин. Мавриди келганда эслатиб ўтиш лозимки, Ернинг покловчилиги ва ерда намоз ўқиш жоизлиги Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)ни бошка пайгабарлардан ажратиб турувчи сифат хисобланади.

### **3. Ер – бешик.**

Аллох таоло Набаъ сурасининг 6-7 оятларида шундай деган: «Биз Ерни тўшак ва тоғларни козиқлар килиб кўймадикми?!»

Бу ерда ажойиб ўхшатиш килинмокда. Тўшак (арабчаси «михаадаа») аслида чакалок ётиши учун тайёрланган ўринни, яъни бешик маъносини англатади. Ер ҳам инсонлар фойдаланишлари ва ҳаёт кечиришлари учун қулай килиб қўйилгани назарда тутилиб, «тўшак»ка ўхшатишмокда.

Ҳақиқатан, Ер ва унинг тузилиш, ундаги қулайликлар ҳақида ўйлаб кўрган киши ушбу оятнинг нақадар ҳақлигига амин бўлади. Ер қоинотдаги кичик сайёралардан бири бўлишига қарамай у инсон ҳаёт кечириши, тирикчилик қилиш, экин экиши, яшаши ва макон тутиши учун Аллоҳ томонидан жуда қулай килиб қўйилган. Қоинотдаги бошқа сайёраларда Ерга ҳос бундай хусусият йўқ.

Ернинг қулай килиб қўйилганини қуйидагилардан кўриш мумкин:

1. Ерда инсон учун энг муҳим бўлган, унинг нафас олишини таъминлайдиган ҳаво мавжуд.

2. Ер ўзининг унумдорлиги билан одамларга дехқончилик ва шунинг орқасидан тирикчилик қилиш имконини беради. Чунки Ер қовлаш учун қулай – юмшоқ ва унда унумдорлик бор. Бандалар ибрат олишлари учун ернинг баъзи қисмлари унумсиз ва қаттиқ килиб қўйилади.

Аллоҳ таоло бандаларига ризқларини етказиб беришни ваъда қилган. Ана ўша ризқнинг пайдо бўлиши учун Аллоҳ ерни сабабчи килиб қўйган. У Зот осмондан ёмғир ёғдиради ва ердан турли-туман ўсимликлар, ўт-ўланлар ўсиб чиқади ва бу нарсалар инсоният ва бошқа жониворлар учун ризқ бўлади.

3. Ерда одамлар фойдаланишлари учун анҳор ва дарёлар чиқариб қўйилган, чучук сув ва ундан фойдаланиш енгил қилинган.

4. Ернинг қулай килиб қўйилганини озон қатлами мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ердан, тахминан, 20-25 км. тепада жойлашган ушбу қатлам маҳлуқотларни осмондан келадиган турли зиён етказувчи нарсалардан – зарарли нур ва шу қабилардан химоя қилиб туради.

#### **4. Ер бўйсундирилган.**

Аллоҳ таоло айтади: «У (Аллоҳ) сизлар учун Ерни ҳокисор – бўйсунувчи килиб қўйган Зотдир. Бас, сизлар у (Ер)нинг ҳар томонида юринглар ва У (Аллоҳ)нинг ризқ-рўзидан енглар! Ёлғиз Унинг ҳузурига қайтиш бордир» (Мулк, 15).

Аллоҳ таоло бандалар учун Ерни бўйсундириб, уни ҳокисор ва соқин қилди. Қаттиқ силқиниб устидаги маҳлуқотларни ҳалок қилмаслиги учун уни тоғлар билан мустаҳкамлаб қўйди. Ердан сув чиқариб, анҳор, дарё ва денгизларни яратди. Маҳлуқотлари фойдаланиши, бандалари зироат ва чорвачиликда манфаат олишлари учун Аллоҳ шундай қилди. Шунингдек, Аллоҳ Ерда турли йўллари пайдо қилди. Бас, эй инсонлар, Ернинг турли жойларида юринглар, ризқ талабида ҳаракат қилинглари!

Унутмангларки, киёмат кунда дунёда килиб ўтган ҳар бир амалингиз хақида ҳисоб бериш учун Аллохнинг даргоҳига кайтасизлар, деган маъно чиқади ушбу оятлардан.

Аллох таолонинг Ерни бўйсундириб қўйганини яна қуйидаги мисолларда ҳам қўриш мумкин. У Зот Ерни тошдек каттик килиб қўймади, балки юриш осон бўлиши учун юмшоқ килди. Бандалар ерни ковлаб, экин экишлари, бино қуришлари учун майин килди. Агар ер тош, олтин ёки темир каби бўлганида, ёз фаслида жуда иссик, кишда эса хаддан ташқари совук бўлар эди. Шунингдек, Ер ўликларни ўз бағрига олиб, атроф-мухитни мусоффо холида саклайди ва қўплаб касалликлар тарқалишининг олдини олади. Мана шу нарсаларнинг барчаси Ернинг инсон учун бўйсундириб қўйилганини англатади.

### **5. Ер – кифоя килувчи.**

Ер ҳамма нарсага кифоя қилади. Инсон тириклигида ўз елкасида кўтариб юради. Вафот этганидан кейин эса уни бағрига олади. Шу билан ер инсониятга оналик вазифасини бажаради. Бежизга одамлар сайёрамизни «она ер», ўзлари тугилиб ўсган юртни «она ватан» деб айтмайдилар.

Бундан ташқари, Ер бошқа нарсаларга ҳам кифоя қилади. Масалан, дарахт унинг барглари ва бошқа чиқиндиларни олайлик. Агар Ер бу нарсаларни ўз вақтида чиритиб турмаса, ҳамма ёқ чиқиндига тўлиб кетган ва оқибатда инсон катта муаммо остида қоларди. Демак, Ер чиқиндиларни ўз бағрига олиб, ҳаво ва атроф-мухит тозалигини саклашга ёрдам беради.

### **6. Ер кимирлайди.**

Ер ахён-ахёнда Аллохнинг изни билан кимирлайди. Бу турли даражада бўлади. Баъзан каттик, баъзида эса секин. Аммо киёмат куни Ер каттик кимирлайди. Хозирдаги каби унинг маълум қисми бир озрок силкинмайди, балки бутун Ер шиддат билан кимирлайди. Шунда Ердаги барча нарса остин-устин бўлиб кетади.

Инсон ердан пайдо бўлган ва яна ерга қайтади, вақт ўтиши билан тупроққа айланади. Бу Аллохнинг ўзгармас қонуни. Шу сабаб банд ерга яқин бўлиши, бурни осмонда бўлишдан – кибрдан сакланиши керак. Уламолар ерда кўпроқ намоз ўқишнинг фойдалари кўплигини таъкидлашган. Ўша фойдалардан бири Ернинг киёмат куни банд фойдасига гувоҳлик бериши бўлса, иккинчиси бу билан банд секин-аста кибр ва манмалиқдан халос бўлади.

### **7. Ер хабар берувчи.**

Аллох таоло Залзала сурасининг 4-5-оятларида «ана ўша кунда Парвардигори унга амр қилгани сабаб (Ер ўз) хабарини айтади», деган.

Охиратда Ер Аллохнинг амри билан гапириб, бандалар қилган яхши ва ёмон амаллар хақида гувоҳлик беради.

Абу Хурайра (розиаллоху анху) ривоят килади: «Расулulloх «ана ўша кунда (Ер ўз) хабарини айтади!» оятини тиловат килдилар ва: «Унинг хабари нима эканини биласизларми?» дедилар. Улар: «Аллох ва Расули билгувчирокдир», дейишди. Шунда у Зот: «Унинг хабари устида хар бир эркак ва аёл нима амал килганини айтишидир. У: «Шу-шу кунда фалон амални килди», деб айтади», дедилар» (Термизий, Насоий, Хоким, Байхакий, Ибн Жарир Табарий ривояти. Термизий ва Хоким хадис санади сахих, дейишган).

**Одилхон кори Юнусхон ўгли**